O'ZBEKISTON DEPOSITARY INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 3 апрель чоршанба

Сотувда эркин нархда № 71 (2899)

Термизни Термиз қилган, унинг шуҳратини олам узра зиёда этган, бу воҳанинг ҳар қарич тупроғини олтинга айлантирган — мана шу юртнинг мард ва танти, олижаноб одамларидир.

ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ БОҚИЙ ШАҲАР



Дунёда ёши минг йиллар билан ўлчанадиган шаҳарлар сони саноқли. Қадимий кентлари билан фахрланадиган, уларни бугунги авлодларга кўз-кўз қилиш бахтига муяссар халқлар ҳам кўп эмас. Бундай саодатга эришган халқлар жаҳон цивилизацияси ривожига тамал тошини қўйган, инсониятнинг илк тарихини яратган. Не бахтки, ўзбеклар ана шундай халқлар сирасига киради. Мамлакатимизда ёши неча минг йилларга тенг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз каби шаҳарлар талайгина.

2 апрель куни Термизда ушбу шаҳарнинг 2500 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.



Президент Ислом Каримовнинг Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун сиз азизлар билан халқимиз ҳаётидаги яна бир унутилмас воқеа — қадимий Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйи муносабати билан шу қутлуғ заминда дийдор кўришиб турганимдан беҳад бахтиёрман.

Гўзал юртимизда баҳор нафаси кезиб юрган мана шундай ёруғ ва файзли кунларда ушбу тантанали маросимга узоқ-яқиндан ташриф буюрган юртдошларимизни, муҳтарам меҳмонларимизни, барчамизни Сурхон аҳлини, барча-барчангизни шу тарихий сана билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугунги тантанада иштирок этаётган ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ҳамда дипломатик корпус намояндаларига, хорижий мамлакатларнинг олимлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакилларига ўз номимдан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Азиз дўстлар!

Бугун биз яшаётган Ўзбекистон тупроғи дунёдаги энг кўҳна ва бетакрор масканлардан биридир. Бу ҳақиқатни кўп-кўп мисоллар, тарихий ва илмий далиллар асосида исботлаб бериш мумкин.

Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига мурожаат қилмайлик, минг-минг йиллар қаъридаги илк ҳаёт нишоналарини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш, шу орқали бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз муқаррар.

Бу ҳақда гапирганда, биз Фарғона водийсидаги Селунгур, Тошкент воҳасидаги Кўлбулоқ, Қашқадарёдаги Узунқир каби дастлабки одамзот манзилгоҳларини, Самарқандаги Афросиёб, Хоразм заминида яратилган нодир «Авесто» китоби, Бухородаги зардуштийлик ибодатхоналари сингари кўплаб ёдгорликларни назарда тутамиз.

Мухтасар қилиб айтганда, мана шу мўътабар юртимиздаги ер ости хазиналаридан, асрлар давомида суқутга чўмиб ётган шаҳристонлардан топилган археологик ашёлар, ноёб тасвирлар ва ҳали очилмаган, ўз сирларини пинҳон сақлаб келаётган чўлу биёбонлар, ҳеч шубҳасиз, бугун биз яшаётган тупроқда қадим-қадим замонлардан бошлаб буюк маданият ва санъат ривожланганини тасдиқлайди.

Шу маънода, улуғ аждодларимизнинг умумжаҳон ва умумбашарият тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини ҳозирги кунда дунёда ҳеч ким инкор қилолмайди. Бундай хулосани юзлаб бебаҳо топилмалар, осори атиқалар ва буюмлар исботлаб беради.

Лекин, афсуски, инсоният бошидан кечган давр тўфонлари, уруш-қирғинлар, табиий офатлар оқибатида бу беқиёс тарихий маданият тасвирларининг мингдан бир қисмигина бизга қадар етиб келган, десак, асло муболаға бўлмайди.

Агар ўша — энг қадимий даврларга мансуб ёдгорликларимизни, сўнгги икки аср мобайнида олиб борилган археологик қазишлар натижасида топилган ноёб олтин ва кумуш буюмлар, бебаҳо осори атиқаларимизни — барча нодир бойликларимизни бошқа давлатлар каби мисқоллаб, асраб-авайлаб сақлаб келиб, бу экспонатлар бир жойга йиғилса, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дунёда тенги йўқ музей вужудга келган бўлур эди.

Бугун биз ЮНЕСКО халқаро ташкилоти қарорига биноан Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйини ўтказар эканмиз, Ватанимизнинг жанубий сарҳадларидан топилган мана шундай далиллар асосида Сурхон воҳасида яшаган одамларнинг қандай буюк, улуғ тарихни бошидан кечиргани, керак бўлса, қандай бетакрор маданиятга эга бўлганини катта ғурур ва ифтихор билан таъкидлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, бу кўҳна ўлкадаги Тешиктош ва Заратсой, Жарқўтон ва Сополлитепа, Холчаён ва Далварзинтепа каби ўнлаб манзиллардан топилган ибтидоий одам маконлари, қадимий ёдгорликлар, антик санъат асарлари шундан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, мана шу бепоён ҳудудларда, азим Жайҳун бўйларида милоддан аввал ва унинг илк даврларидаёқ Бақтрия ва Кушон каби улкан давлатларнинг мавжуд бўлганини ўзимизга тасаввур этганда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, азалдан Мағрибу Машриқни ўзаро боғлаб келган, қадим савдо карвонлари ўтадиган Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу тупроқда неча минг йиллар мобайнида турли дин ва маданиятлар — зардуштийлик ва буддавийлик, насронийлик ва мусулмонлик анъаналари ёнма-ён яшаб келганини ҳисобга олсак, бу заминнинг тарихи нақадар кўҳна эканига иқрор бўламиз.

Ҳатто, бир замонлар Термиз шаҳри буддавийлик марказларидан бири бўлгани, бу таълимот Хитой ва Японияга айни шу ердан тарқалгани ҳақида илмий қарашларнинг мавжудлиги ҳам бежиз эмас.

Бугунги қутлуғ сана муносабати билан бунёд этилган, собиқ иттифоқ ҳудудида ягона бўлган муҳташам Археология музейидаги кўплаб тарихий ашёлар, меъморлик ва ҳайкалтаросшлик санъати намуналари, деворий расмлар, уй-рўзғор буюмлари, турлитуман тақинчоқлар ҳам ана шу ҳақиқатнинг тарихий тасдиғи бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тантаналарда иштирок этиш учун Термизга ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари шаҳарда кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ҳамда ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясининг мазкур шаҳарнинг 2500 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш ҳақидаги қарорлари ижросини таъминлаш жараёнида шаҳарда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу ишлар «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигини нишонлаш арафасида бошланган эзгу амалларнинг давоми бўлди.

Султон Саодат ёдгорлик мажмуи бутунлай қайта таъмирланди.

Шўро замонида бу муқаддас зиёратгоҳ ташландиқ ҳолга келиб қолганди. Истиқлол шарофати ва Президентимизнинг ташаббуси билан неча минг йиллик қадриятларимиз, буюк аждодларимиз хотираси ва меросини тиклашга катта эътибор қаратилиши натижаси ўлароқ, Султон Саодат мажмуи ҳам обод зиёратгоҳга айланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу обида, шунингдек, Ҳаким Термизий мақбарасини зиёрат қилар экан, бундай ёдгорликлар бизга ўтмиши ёруғ ва келажаги буюк халқ эканимизни эслатиб туриши билан бирга, янги-янги бунёдкорлик ишларига чорловчи ўзига хос бебаҳо маънавий мерос эканини таъкидлади.

Термиз Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳаси ҳисобланган.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиб, халқаро интеграция жараёнлари кучайиб бораётгани қадим шаҳарнинг бу мавқеи қайта тикланишига муҳим омил бўлмоқда. Мазкур жараёнда Термиз темир йўлининг аҳамияти янада ортаётир. Янги темир йўл вокзалининг фойдаланишга топширилиши шаҳарнинг 2500 йиллик тўйига муносиб тўёна бўлди. Воҳанинг ўзига хос иқлим шароитини ҳисобга олиб бунёд этилган ушбу иншоот замонавий техника воситалари билан жиҳозланган.

Президентимиз шаҳарнинг 2500 йиллик тўйи муносабати билан барпо этилган Археология музейини ҳам бориб кўрди.

Эътиборли томони шундаки, мазкур музей собиқ иттифоқ ҳудудида ягона ҳисобланади. Музей биносини Шарқ ва замонавий меъморчиликнинг ўзаро уйғунлиги тимсоли дейиш мумкин. Музейга Сурхон заминидан топилган ноёб археологик топилмалар қўйилган. Бу ердаги минглаб экспонатлар ўлкамизнинг қадимий маданияти, Термизнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган нуфузли ўрнидан сўзлайди. Қадимий Кушонлар шаҳзодаси, жангчилар ҳайкаллари, шунингдек, Фаёзтепадан топилган ванна дунёнинг манаман деган машҳур музейлари ҳавасини келтириши шубҳасиз. Музейдаги буддавийлик даврига оид топилмалар бу дин Хитой ва Япония каби мамлакатларга ҳам худди шу заминдан борганидан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1975-1984 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2002 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан сифатли бутлаш мақсадида жойлардаги чақириш комиссияларининг ҳар томонлама таъминланишини ва самарали ишлашини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Туломов) билан биргаликда чақириш участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини ва уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессияси олдидан

ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИНИНГ ЯҚИН КЕЛГУСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари Б. И. БУГРОВнинг «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига берган интервьюси

— Борис Иванович, жорий йилнинг 4 апрель куни ўз ишини бошлайдиган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Сиз раҳбарлигингизда махсус депутатлар ишчи гуруҳи тузилганлиги тўғрисида газеталаримизда илгари хабар берилган эди. Сессия арафасидаги даврда мазкур гуруҳ томонидан қандай ишлар амалга оширилди?

— Олий Мажлис Кенгаши парламентнинг навбатдаги сессиясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилиши биланоқ сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ қатор ташкилий-техник масалаларни ўз вақтида ҳал этиш ва барча ишларни мувофиқлаштириб туриш мақсадида депутатлар ишчи гуруҳи тузилган эди. Бу ўзига хос штаб бўлиб, у Олий Мажлиснинг сессияси каби муҳим ва катта ижтимоий-сиёсий тадбирни муваффақиятли ўтказиш учун мавжуд интеллектуал ва моддий-техник имкониятларни сафарбар қилишга даъват этилгандир. Таркиб топган анъанага кўра сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳига Олий Мажлис Раисининг ўринбосарларидан бири бошчилик қилади.

Газетхонларимизда парламентнинг фаолияти ҳақида тўғри тасаввур ҳосил бўлиши учун шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, Олий Мажлисда қонунлар устида олиб бориладиган иш бир кун ҳам тўхтаб қолмайди. Қонунлар яратиш — мураккаб ва узоқ давом этувчи жараён бўлиб, у катта ва ҳар томонлама пухта билимни, реал ҳаёт, замонавий юридик фанларнинг ютуқлари ҳамда ҳуқуқни қўлланиш амалиётини чуқур мушоҳада қилишни талаб этади. Ҳар бир қонун лойиҳаси устида махсус ишчи гуруҳи узоқ вақт иш олиб боради. Бундай гуруҳ таркибига депутатлар, тегишли соҳа олимлари ва амалиётчи мутахассислар, манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг вакиллари киритилади. Норматив ҳужжатнинг тайёр бўлган варианти парламентнинг тегишли қўмитаси, Олий Мажлис раҳбарияти томонидан кўриб чиқилади ҳамда тушган таклиф ва фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда маромига етказилади. Биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси учун газеталарда эълон қилинади. Кўпгина ҳужжатлар хорижлик мутахассисларнинг экспертизасидан ўтказилади. Олий Мажлис Кенгаши парламентнинг навбатдаги сессиясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилганидан сўнг қонун яратувчилик иши якунловчи босқичга киради ва бирмунча жадаллашади.

Депутатлар гуруҳи ишини самарали ташкил этиш мақсадида биз биринчи йиғилишдаёқ гуруҳ аъзолари ўртасидаги вазифаларни тақсимлаб олдик ва масалалар туркумига қараб кичик гуруҳларнинг сессия олди фаолиятига доир асосий йўналишларини белгиладик. Ушбу кичик гуруҳларга Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Н.Жўраев, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси И.Қаландаров бошчилик қилдилар.

(Давоми 2-бетда).

Халқаро алоқалар ривожланиш босқичида

Шу кунларда Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган масалалар қўмиталарда атрофлича ўрганилиб, муҳокамага қўйишга тайёргарлик жараёни ниҳоялаб бормоқда. Шу сабаб Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси Эркин ВОҲИДОВга икки сессия оралиғида парламентлараро алоқалар ва халқаро ишларнинг боришида қандай вазифалар амалга оширилди, деган савол билан мурожаат этдик.

— Икки сессия оралиғида қўмитамизда талай ишлар амалга оширилди, — деди Эркин Воҳидов. — Олий Мажлисга Европа мамлакатларидан, АҚШ ва бошқа давлат парламентларидан делегациялар ташриф буюришди. Мунозараларда терроризмга қарши жаҳон ҳамжамияти бошлаган курашда Ўзбекистоннинг салмоқли мавқеи ва турмушимизнинг барча соҳаларида жадал кетаётган ислоҳотларнинг бориши билан боғлиқ бир қатор муҳим масалалар қамраб олинди.

Айниқса, икки сессия оралиғида АҚШ конгрессмен ва сенаторларининг юртимизда бўлиши икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни янги босқичга кўтарди. Улар Ўзбекистон орқали Афғонистонга кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдамининг қандай амалга оширилаётганлиги, афғон тупроғига чегарадош туманлардаги халқимизнинг турмуш тарзи билан қизиқдилар.

(Давоми 3-бетда).

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 2002 йил 4 апрель куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 3 апрель куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР БЛОКЛАРИ ТАРКИБИГА КИРАДИГАН ДЕПУТАТЛАР ДИҚҚАТИГА

Олий Мажлисда 3 апрель куни соат 11.30 да Сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, соат 14.30 да «Адолат» социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда Ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ БОҚИЙ ШАҲАР

Президент Ислом Каримовнинг Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Азиз дўстлар, биродарлар, шу ўринда эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман.

Яъни, бу қадимий воҳанинг, Термиз шаҳрининг кўҳна ва беқиёс кечмишини исботлаб, тасвир қилиб берадиган далилларни кўрганда, одамда беихтиёр шундай савол туғилади: нега шунчалик узоқ тарихга эга бўлган бу шаҳарнинг юбилейи шўро замонида бирон марта ҳам нишонланмаган?

Бунинг сабаби битта: у ҳам бўлса, мустабид тузум даврида ҳукм сурган, бизнинг бой тарихимизни тан олмаслик, менсимаслик, уни шу тарихнинг ҳақиқий эгаларидан яширишга бўлган уринишлардир.

Бир сўз билан айтганда, бу ҳолни тарихий адолатсизлик, асрлар давомида бизнинг халқимиз, миллий маданиятимизга нисбатан олиб борилган ғаразли сиёсатнинг натижаси, деб баҳолаш лозим.

Бунга яна бир сабаб шуки, жанубий чегараларда жойлашган Термиз шаҳрига, аввалари Россия, кейинчалик эса СССР империясининг олис ва чекка бир ҳудуди деб, бу ерда қандай маданият, қандай тараққиёт излари бўлиши мумкин, деб беписанд қараб келинди.

Фақат биз озодлик ва эркинликка эришгандан кейингина Сурхоннинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганиш масаласига том маънода катта эътибор қаратилди.

Ҳар қарич тупроғи қанча сир-синоатга, бетимсол бойликларга эга бўлган бу заминнинг нафақат юртимиз тарихига, балки дунё цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасини ёритиб бериш мақсадида олиб борилаётган улкан ишларни эндиликда бутун жаҳон аҳли ан олмоқда.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, асрлар қаърида кўмилиб ётган ана шу ҳақиқатни юзага чиқарган, Термиз шаҳри, бутун Сурхон воҳасининг тарихини акс эттирадиган осори атиқалар ва ёдгорликларни излаб топиш, уларни ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон бўйлаб тарғиб этиш борасида сидқидилдан меҳнат қилган заҳматкаш олимларимизга, Япония, Германия, Франция, Россия каби мамлакатлардан келиб, бу ерда тадқиқот ишлари олиб бораётган археологларга, уларни қўллаб-қувватлаган ташкилотларга, аввало, ЮНЕСКО халқаро ташкилотига ўзимизнинг чуқур миннатдорлигимизни билдирамиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Термиз деганда, аввало, унинг шонли воқеаларга бой кечмиши, қаҳрамонлик тарихи кўз ўнгимизга келади.

Неча асрлар мобайнида Термиз ҳарбий-мудофаа қалъаси бўлиб, ғоятда масъулиятли бир вазифани ўтаб келгани барчамизга аён. Юртимизга жануб томондан кимки бостириб келмасин — Доро ёки Македонский бўладими, Чингизхон ёки араб истилочилари бўладими — Термиз қалъаси ҳамиша ёв йўлига қалқон бўлган, душманга қарши мардона курашган.

«Авесто»да «байроғи — туги баланд эрлар юрти» деб таърифланган Сурхон воҳаси, бу қалъа шаҳар ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида кимларни кўрмаган, қандай синов ва тўфонларни бошдан кечирмаган?

Унинг босқину истилолар туфайли неча бор вайронага айланиб, култепалар узра неча бор қайта тиклангани тарихдан маълум.

Лекин, қатъий ишонч билан айтиш лозимки, шу ерни муқаддас макон деб, она юрт деб билган мард ва жасур аждодларимиз ёвларга ҳеч қачон бўйин эгмаган.

Шу маънода, «Алпомиш»дек қаҳрамонлик достонининг айнан шу ерда яратилгани ҳам асло тасодиф эмас.

Ана шу курашлар, жангу жадаллар натижасида бу шаҳарнинг номи неча бор ўзгаргани, ҳатто бир замонлар у босқинчи ҳукмдорлар номи билан аталганини ҳам яхши биламиз.

Афсуски, «Термиз» сўзининг луғавий маъноси ва келиб чиқиши ҳали-ҳанузгача номаълум бўлиб келмоқда. Лекин, бу хусусда турли фикр ва қарашлар мавжудлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Қадимий ёдгорлигимиз «Авесто»да у «Тармида» деб аталса, араб манбаларида «Тармиз», яъни «дарё бўйидаги шаҳар» маъносини англатади.

Буюк олим Абулқосим Фирдавсий эса ўнинчи асрда шаҳарни унинг бугунги номига яқин шаклда — «Тирмиз» деб тилга олади.

Аммо, бизнинг фахру ғуруримиз боиси шундаки, қандай ном билан аталган бўлмасин, қандай босқин ва офатларга дуч келмасин, Термиз элининг, Сурхон халқининг ўзлиги, иймон-эътиқоди, ирода ва матонати, энг муҳими, ўз юртига садоқати асло ўзгармади.

Буюк муаррих Шарафиддин Али Яздий ўзининг машҳур «Зафарнома» асарида Термиз аҳолисининг мўғул босқинчиларига қарши фидокорона курашини тасвирлар экан, бу шаҳарни «Мадинат ур-рижол», яъни «Мардлар шаҳри» деб атаганида ҳам теран маъно мужассам.

Такрор айтаман, тарихнинг ўзи Термиз шаҳри, унинг қаҳрамон халқи зиммасига асрлар давомида юртимиз тинчлиги ва озодлиги йўлида метин қалъа-қўрғон бўлишдек оғир ва масъулиятли вазифани юклаган.

Бугун биз ифтихор билан эътироф этамизки, Термиз шаҳри бу муқаддас вазифани ҳамиша ва ҳозирги мураккаб, таҳликали даврда ҳам шараф билан адо этиб келмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлган бу шавкатли шаҳарни етти иқлимга маълуму машҳур этган унинг шонли тарихи, қадим-қадимдан шаклланиб келаётган бой маданияти, беқиёс обидалари, десак, хато бўлмайди, албатта.

Лекин Термизни Термиз қилган, унинг шуҳратини олам узра зиёда этган, бу воҳанинг ҳар қарич тупроғини олтинга айлантирган — мана шу юртнинг мард ва танти, олижаноб одамларидир.

Бу қадимий диёрда яшаб ўтган беназир аллома Ҳаким Термизий, ислом дунёсида олти буюк муҳаддисдан бири сифатида тан олинган Имом Исо Термизий, мумтоз шоир Собир Термизий, муаррих Самандар Термизий каби ўнлаб улуғ аждодларимиз, азиз-авлиёларимизнинг мўътабар номларини халқимиз ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг айнан мана шу Термиз атрофида ўзининг пири бузруквори Саййид Барака ҳазратларидан ҳокимият рамзи бўлган байроқ ва жанговар ноғорани қабул қилиб олгани ҳам бу тупроқнинг нечоғли хосиятли эканини кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда ҳам шу табаррук тупроқни улуғлаб, қўёш жазирамаси, гармсел шамолларига бардош бериб, қийинчиликларни енгиб меҳнат қилаётган, Ватанимизнинг жанубий сарҳадларида афғон можароси туфайли йигирма йилдан зиёд давом этган нотинч ва таҳликали вазиятда ҳам мардлик ва матонатини намоён этиб, том маънода шу юртнинг фидоийси бўлиб яшаётган Сурхон эли, Сурхон халқига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Азиз юртдошлар!

Бу воҳа тупроғи, Сурхон ери наинки қадимий, айни пайтда ғоят унумли, серҳосил ва баракали эканида ҳам ўзига хос ҳикмат бор.

Мен бу заминнинг хосиятларини илгари ҳам кўп марта айтганман, лекин бугунги тантанада яна бир бор бу ҳақда тўхталиб ўтсак, ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Бу ерда кўп-кўп қишлоқ хўжалик экинларини — пахтадан тортиб субтропик меваларгача, ғалладан тортиб сабзавот ва полиз маҳсулотларигача — барча-барчасини ўстириш мумкин.

Айниқса, бу заминнинг сўлим табиати, Вахшивор ва Боботоғ, Сангардак ва Хонжизза, Бойсун ва Олтинсойнинг фусункор манзаралари ҳар қандай одамни мафтун этади.

Ёки Сурхон воҳасининг бағрига жо бўлган ноёб табиий бойликларни, равон йўллар, алоқа тармоқлари, мухтасар айтганда, самарали ишлаш учун асос бўладиган шарт-шароит ва имкониятларни олайлик.

Энди ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу воҳада шундай бой тарих, шундай унумдор ер бўлса, шундай гўзал ва бетакрор табиат, шундай меҳнаткаш, мард ва олижаноб халқ бўлса, бу юртнинг келажаги буюк бўлмаслиги мумкинми? Бу ерда одамлар бахтли, эркин ва фаровон яшамаслиги мумкинми?

Ишончим комилки, бутун халқимиз қатори Сурхон эли ҳам ана шундай ҳаётга ниҳоятда муносиб ва шундай турмуш даражасига албатта эришади.

Бунга ишонч билдириш учун барча асосларимиз бор.

Бу асослардан бири шундан иборатки, бутун юртимиз каби Термиз шаҳрига ҳам Оллоҳнинг назари тушган, уни доимо ўз паноҳида сақлаб, ёмон кўзлардан, бало-қазолардан ўзи асраб келади.

Бу ерга мусулмон дунёсининг улуғ алломалари ва пири бузрукворларимизнинг муборак пойқадамлари теккан ва уларнинг барчамиз учун табаррук хоклари шу тупроққа кўмилган.

Яна бир асос шундан иборатки, бу заминда яшаётган барча инсонларнинг ўз юрти, ўз элига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқати кўксида ва мустаҳкам.

Бугун биз янги жамият қуриш йўлида қандай жараёнларни бошимиздан кечираётган бўлсак, қандай қийинчилик, ғов-тўсиқларни енгиб, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга етиш, буюк келажагимизни қуриш учун қандай меҳнат қилаётган бўлсак, бу ишлар замирида Сурхон аҳлининг ҳам ғайрат ва шижоати, мардлик-матонати, фидоийлиги мужассам экани шубҳасиз.

Ҳурматли дўстлар!

Биз бугун шоду хуррамлик билан нишонлаётган Термиз шаҳрининг муборак тўйи, аввалambор, тарихимиз ва буюк аждодларимиз хотирасига нисбатан қалбларимиздаги ҳурмат ва эҳтиром туйғусининг яна бир бор намоён бўлиши билан ёндашуви барча тайёргарлик тадбирларини белгиланган муддатларда ниҳоясига етказиш имконини берди.

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари, сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари, ҳокимият вакиллик органларидан ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокларининг самарали иш олиб бориши учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилди. Натижада қонун лойиҳалари, сессияга оид бошқа ҳужжатларни муҳокама қилишда уларнинг фаоллиги сезиларли даражада ошди.

Парламентнинг саккизинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий вазифаларни ҳал этишга Олий Мажлис Котибияти ходимлари ҳам катта ҳисса қўшдилар. Парламент девонида энг мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган турли касбдаги юқори малакали мутахассислар ишлайди. Уларнинг ишга виждонан ёндашганлиги, билим ва тажрибалари туфайли депутатлар ишчи гуруҳи ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли уддалади.

— Парламент саккизинчи сессиясининг оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган дастлабки кун тартибига қараганда депутатлар авваламбор 2002 йил 27 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари билан боғлиқ қатор масалаларни кўриб чиқишлари керак. Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритилаётган ҳужжатларнинг моҳияти нимада?

— Икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш масалалари юзасидан бўлиб ўтган референдумда қабул қилинган қарорлар ёш, мустақил давлатимизни янада тараққий эттириш учун катта аҳамиятга моликдир. Ўтказилган умумхалқ овоз бериши фуқароларимизнинг мутлақ кўпчилиги давлат ҳокимияти олий органларини янги давр шароитларига, демократиянинг умумэътироф этган меъёрларига мувофиқ тарзда такомиллаштириш тарафдори эканликларини намоён қилди. Олий Мажлис депутатларининг вазифаси – халқнинг олий юридик кучга эга бўлган ҳоҳиш-иродасини имкони борича тезроқ амалга оширишдан иборат. Шу туфайли ҳам яқин йиллар ичида кенг кўламдаги қонунчилик ишларини амалга оширишимиз даркор. Олий Мажлиснинг бўлажак сессияси бу борадаги дастлабки қадам бўлади.

Депутатлар Марказий сайлов комиссиясининг умумхалқ овоз бериши натижалари тўғрисидаги ахборотини эшитадилар, шунингдек 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида ва «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасини кўриб чиқадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ғоялари асосида ҳуқуқ ва давлат қурилишининг таниқли мутахассислари иштирокидаги махсус комиссия томонидан тайёрланган бу ҳужжатларда референдум қарорларини изчил рўёбга чиқариш мақсадида яқин келгусидаги йилларга мўлжалланган қонун яратувчилик фаолиятининг асосий устуворликлари белгиланган.

— Олий Мажлиснинг бўлажак сессиясида муҳокама қилиш режалаштирилаётган бошқа ҳужжатлар тўғрисида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Парламент ўз конституциявий ваколатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқади. Бу ҳужжатни парламентнинг

Иккинчи чақириқ Олий

ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИНИНГ ЯҚИН КЕЛГУСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасида, бошқа қўмиталар ва комиссияларда, шунингдек Олий Мажлис Кенгашида дастлабки тарзда муҳокама қилиш шуни кўрсатдики, Давлат бюджетининг ўз вақтида парламент томонидан маъқулланган асосий кўрсаткичлари муваффақиятли амалга оширилган. Ҳукумат томонидан макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, мамлакат иқтисодиётига янги инвестицияларни жалб қилиш борасида қатор жиддий чора-тадбирлар кўрилган. Вазирлар Маҳкамаси фуқароларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни, шу жумладан экспорт қилишга мўлжалланган ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш борасида ҳам катта ишларни амалга оширди.

Сессия муҳокамасига киритилаётган Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси лойиҳаси шу соҳадаги миллий қонун ҳужжатларини халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш зарурати туфайли ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган амалдаги «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги Қонуни шаҳарсозлик соҳасидаги барча масалаларни қамраб олмайди ва мамлакатда юз берган ўзгаришларни тўлиқ даражада ҳисобга олмаган.

Қонун лойиҳасида давлат, жамият, юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатлари, шаҳарсозлик фаолияти субъектлари бўлмиш пудратчилар, буюртмачилар ҳамда тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқувчиларнинг ҳуқуқий муносабатлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Шунингдек, унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Давлат архитектура ва шаҳарсозлик қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг шаҳарсозлик соҳасидаги ваколатлари аниқлаштирилган.

Ҳужжатда шаҳарсозликни бошқариш органлари, тегишли ҳужжатларга қўйиладиган талаблар, ҳудудлардан фойдаланиш, шаҳарсозлик қадастрини жорий этиш белгиланган, архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик, шаҳарсозлик фаолиятини молиялаштириш тартиби белгиланган. Кодекс лойиҳасини ишлаб чиқишда Швейцария, Японияннинг ҳудди шундай қонунчилик нормалари, БМТнинг Аҳоли пунктларини ривожлантиришни режалаштириш маркази томонидан тайёрлаган материаллар ўрганилди.

«Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси кредит уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий асосини, уларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатишнинг ўзига хос хусусиятларини, кредит уюшмаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг иштироки тартибини белгилаб беради. Бу Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз айрим минтақаларида кредитлаштиришни кенгайтиришга, банкдан ташқари кредит ташкилотларини ривожлантиришга, мамлакат иқтисодиётининг молия тизимидаги рақобатни кучайтиришга хизмат қилади.

Кредит уюшмаси юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзаро кредитлар бериш мақсадида тузиладиган мустақил ташкилий-ҳуқуқий шакл — банкдан ташқари кредит ташкилоти ҳисобланади. Қонун лойиҳасига биноан уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши, кредит уюшмаси Кенгаши ва Ижро этувчи органи кредит уюшмаларининг бошқарув органларидир. Кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади.

Қонун лойиҳаси Осиё Тараққиёт банки ва Кредит уюшмалари Умумжаҳон кенгашининг тавсияларини, шунингдек АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Украина ва бошқа мамлакатлардаги банкдан ташқари кредитлаш тизимининг фаолият кўрсатиши тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

«Суғурта тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси мамлакатда суғурта бозорини янада ривожлантириш учун халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқ келадиган шарт-шароитларни яратишга қаратилгандир. Суғурта ташкилотларини улар фаолиятига аралашишлардан ҳимоя қилиш мақсадида Қонун лойиҳасида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва уни назорат қилишга доир талаблар аниқ белгилаб қўйилган.

Замонавий суғурта индустриясида суғуртага доир тартибга солиш ишлари фақат суғуртачиларнигина эмас, балки воситачиларни ҳам қамраб олиши зарурлиги эътироф этилгандир. Кўпгина мамлакатларда суғурта агентлари, брокерлар шикоят объекти бўлади, шунинг учун ҳам истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш органлари ўз фаолияти учун қонуний асосга эга бўлмоғи даркор. Қонун лойиҳасида устав фондининг камида 90 фоизини таъсисчиларнинг (қатнашчиларнинг) пул маблағларидан шакллантириш мажбурий талаби белгиланган.

Миллий суғурта бозорини бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлаштириш, жаҳон андозаларига жавоб берадиган суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш учун шароитлар яратиш, миллий суғуртачиларнинг касб маҳоратини яхшилаш, суғурта фаолиятини амалга ошириш билан ҳамда суғурта фаолияти барча субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилувчи суғурта бозорини барқарорлаштириш тизимининг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш Қонун лойиҳасининг асосий тамойиллари ҳисобланади.

Чет эл суғурта қонунчилигида бўлгани каби мазкур Қонун лойиҳаси ҳам бу соҳадаги асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади ва вақти келиб унинг асосида ҳаётни суғурталашнинг жамғарма турларига, қайта суғурталашга ва бошқа масалаларга тааллуқли қонунларни ҳам ишлаб чиқишга хизмат қилади.

«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғисида»ги Қонун лойиҳаси аҳоли омонатларини фуқаролар томонидан тижорат банкларига қўйилган депозитлар бўйича ҳақ тўлаш йўли билан кафолатлаш тизимини яратишни назарда тутади. Шу мақсадда фуқаролар омонатларини банкларнинг мажбурий бадаллари, маблағларни қўйишдан олинган даромадлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобига кафолатлайдиган фонд тузиш назарда тутилади.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Германия, Эстония, Дания ва бошқа давлатлар тажрибасидан фойдаланилди. Чет эл мамлакатларининг норматив-ҳуқуқий базасини ўрганиш шуни кўрсатдики, аксарият кўпчилик мамлакатларда омонатларни кафолатлаш тизими – жисмоний шахсларнинг омонатлари билан операцияларни амалга оширувчи тижорат банклари учун мажбурий ҳисобланади.

«Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги умумдавлат бошқарув тизимини яратиш, чиқиндиларни утилизация қилиш борасида замонавий техник ва технологик ечимларни жорий этиш заруратидан келиб чиққан. Қонун лойиҳаси ишлаб чиқариш ва маиший-рўзғор чиқиндилари соҳасидаги давлат бошқарувининг асосларини, чиқинди билан ишлашни амалга оширишга қўйиладиган экологик талабларни белгилайди, чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўлов борасидаги иқтисодий масалаларни тартибга солади. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида биринчи марта чиқинди билан боғлиқ ишларни экологияга хавф соладиган тарзда амалга оширганлик учун жавобгарликни, чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, уларни ташиш тартибини, чиқиндиларнинг давлат кадастри ва бошқа нормаларни жорий этишни белгилайди. Чет элга мансуб ядро чиқиндиларининг мамлакатимизга олиб келиниши тақиқланади.

Ушбу Қонунни амалга ошириш чиқиндиларнинг атроф муҳит ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш, чиқиндиларни қўшимча хом ашё манбаи сифатида ҳўжалик муомаласига энг кўп даражада жалб этиш имконини беради. Қонун лойиҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўз ҳудудида чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларини жойлаштириш масалаларини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқини бериш назарда тутилган.

Юқорида санаб ўтилган қонун лойиҳалари сессия муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилаётган бўлиб, улар кенг муҳокама қилиш учун илгари «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинган эди. Тушган барча фикр-мулоҳазалар ва таклифлар Олий Мажлиснинг қўмиталари ва комиссияларида пухта ўрганилиб, қонун лойиҳаларини узил-кесил маромига етказишда ҳисобга олинди.

Ушбу масалалар билан бир қаторда эртага ўз ишини бошлайдиган сессиямизда Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси, Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 2001 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисобот, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ҳисоботи кўриб чиқилиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, депутатларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини, Олий Мажлис Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш, қатор халқаро конвенциялар ва битимларни ратификация қилиш таклиф этилади. Бўлажак сессиянинг дастлабки кун тартибидаги барча масалалар долзарб ҳисобланади ва мамлакатимизнинг янада ривожланиши учун катта аҳамиятга эгадир. Бу масалаларнинг ҳар бири миллионлаб сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси ва манфаатларини ифодалайди ҳамда уларнинг таклифлари ва фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб тайёрланган.

Иккинчи чақириқ парламентининг саккизинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича махсус депутатлар ишчи гуруҳининг раҳбари сифатида шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, Олий Мажлиснинг қўмиталари ва комиссиялари сессия арафасидаги даврда қонун ижодкорлиги борасида катта ишларни амалга оширди. Пировард натижада халқимиз турмушини яхшилаш мақсадини кўзда тутувчи ҳуқуқий ҳужжатларнинг салмоқли туркуми яратилди.

— Борис Иванович, депутатлар парламентнинг навбатдаги сессиясига қандай кайфиятда ва қандай ўй-фикрлар билан келишмоқда?

— Халқ вакиллари сессия муҳокамасига киритилаётган масалаларнинг улкан аҳамиятга молик эканлигини яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам улар олдимизда турган вазифаларни ҳал этишга масъулият билан ёндашиб, ўзларининг бутун куч, билим ва тажрибаларини сафарбар этишга тайёрдирлар. Депутатлар давлат нуқтаи назаридан фикрлайдиган кишилардир, шунинг учун ҳам улар барча ҳужжатларни муҳокама этиш чоғида ўз сайловчилари ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқадилар, деб қомил ишонч билан айтиш мумкин. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов кўп бор таъкидлаб ўтганидек, бугунги кунда бизнинг манфаатларимиз муштарак, яъни халқ турмушини яхшилаш, XXI аср бошида мустақил Ўзбекистоннинг изчил тараққий этишини таъминлашдан иборатдир.

* * *

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шаҳар юбилейига бағишланган тантанали маросим ўтадиган "Алпомиш" стадиони байрамона безатилган. Ундан мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан ташриф буюрган меҳмонлар, хорижлик олимлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари жой олган.

Президент Ислом Каримов байрам ўтадиган майдонга кириб келди. Йиғилганлар давлатимиз раҳбарини давомли қарсаклар билан кутиб олди.

Юбилейга бағишланган маросимни Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Қодиров очди.

Маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига мурожаат қилмайлик, — деди давлатимиз раҳбари, — минг-минг йиллар қатридаги илк ҳаёт нишоналарини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш, шу орқали бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз муқаррар.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, Термиз ҳам инсониятнинг ана шундай энг қадимий шаҳарларидан биридир. Аммо фақат халқимиз истиқлолга эришганидан кейингина бу заминнинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганиш масаласига кенг йўл очилди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида фидокорона меҳнат қилаётган бугунги Сурхондарё аҳлининг яратувчилик ишларига юксак баҳо берди. Шаҳар юбилейи муносабати билан амалга оширилган бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этганларнинг барчасига миннатдорлик билдирди.

Маросимда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Термиздаги 2-ўрта мактаб ўқувчиси Манзура Холмирзаева, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, жаркўрғонлик меҳнат фахрийси Рўзи Алиқулов сўзга чиқди.

Маросим театрлашган байрам томошаси билан якунланди.

Анвар КАРИМОВ,
Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбирлари.

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Юртимизда шу кунларда Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан "Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни" мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 декабрдаги "Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ҳамда ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясининг Термиз шаҳри 2500 йиллигини дунё миқёсида нишонлаш ҳақидаги қарори доирасида ўтказилган мазкур анжуман Фанлар академияси, Ташқи ишлар, Маданият ишлари вазирликлари, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилди.

Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев анжуманни очар экан, Термиз қадимий маданият бешикларидан бири сифатида тан олинганини таъкидлади.

Мустақиллик шарофати билан ушбу кўҳна шаҳарнинг тарихи, маданий тараққиёти, жаҳон цивилизациясида тутган ўрни бўйича жиддий тадқиқотлар олиб боришга кенг йўл очилди. Термиз ва унинг атрофида археологик қазув ишлари давом этмоқда. Изланишлар шаҳарнинг турли даврларга оид тарихи ва маданиятини ҳар томонлама ёритиш имконини бераётир.

Анжуманда Марказий Осиё тарихи, цивилизациясини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган тарихчи, археолог, шарқшунос ва манбашунос олимларнинг маърузалари тингланди. Айниқса, Япония, Франция, Россия каби мамлакатлар олимларининг маърузаларида Термизнинг умумбашар маданиятига қўшган ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

Илмий анжуман иштирокчилари Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тарихи мисолида Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё тарихига оид кўпгина масалаларни янада ойдинлаштирди.

Бу заминда Ҳаким Термизий, Исо Термизий, Собир Термизий каби ўнлаб буюк алломаларимиз етишиб чиққани, жаҳон фани ва маданиятининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшгани алоҳида таъкидланди.

(ЎзА).

Мажлиснинг саккизинчи сессияси олдидан

Халқаро алоқалар ривожланиш босқичида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ўзгаришларга, хусусан, Ўзбекистон парламентининг икки палатали парламент бўлиб ўзгараётганлигига катта эътибор бериб, парламент ислоҳотини амалга оширишда керакли маслаҳат ва кўмакни беришга тайёр эканликларини билдирди. Икки юз йиллан ортиқроқ тарихга эга бўлган Америка ҳамда Европа мамлакатлари парламентларида қонунларни ҳаётга татбиқ этишда етарлича тажриба тўпланган. Бу борада тажриба алмашиш қонунларимизнинг пишиқ ва пухта бўлишига замин яратади.

Шу боис ўтган давр мобайнида Олий Мажлис депутатлари Европа, Осиё ва Ҳамдўстлик мамлакатларининг парламент фаолияти билан танишиб, қонунларни қабул қилиш ҳар бир давлатда ўзига хос жиҳатлар билан ажралиб туришини ва қонунларга фуқароларнинг муносабатини ҳам ўрганиб қайтди.

Икки сессия оралиғининг муҳим воқеаси давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон делегациясининг АҚШга ташрифи бўлди. Ташрифни бутун дунё оммавий ахборот воситалари юксак баҳолаб. Ўзбекистоннинг АҚШ ва жаҳон ҳамжамияти билан муносабатларининг янги даври бошланди, деб таъкидлашмоқда.

Мен бу сафарда иштирок этиб айниқса, Капитолийда АҚШ конгрессмен ва сенаторлари томонидан Президентимизга нақадар чуқур самимийлик ва катта эътибор қаратилганлигининг гувоҳи бўлдим.

Президент Жорж Буш билан бўлган суҳбатнинг самимий дўстона вазиятда ўтганини бутун дунё кўрди. Асрнинг буюк сиёсий арбобларидан, ўзини тирик тарих дейиш мумкин бўлган Генрих Киссинжернинг Президентимизга халқаро миқёсдаги «Буюк давлат арбоби» мукофотини топширганлиги ва барча кўрсатилган иззат-икромлар Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қатъият билан олиб борган мардона тинчликсевар ва мустақил ташқи сиёсати, демократик ислоҳотларнинг қадам-бақадам собитлик билан амалга оширилаётганлиги, ўз маънавий қадриятларини қайта тиклаётганлиги ва ардоқлаётганлигининг мевасидир.

Мамлакатимизда янгича муносабатлар шаклланди. Бу давр ичида юртимиз қиёфасида эмас, халқимиз онгида ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Дунёқараши ўтмишнинг мафкуравий қуюшқонларидан холи бўлган, янгича фикрлайдиган авлод пайдо бўлди.

Мустақилликка эришишда Ватанимиз босиб ўтган йўллар — гуллар тўшалган равон йўллардан иборат бўлгани йўқ. Дунёнинг бундай эътирофини қозонгунча жамиятимиз не-не синовли кунлардан ўтмади, не-не хатарли кунларни бошидан кечирмади. Халқимиз барча мушкулликларни сабот ва матонат билан енгиб, бу шукуҳли кунларга етиб келди.

Айни пайтда мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлган парламент ислоҳотига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Навбатдаги сессиямизда, аввало, биз ушбу жараён устувор вазифаларининг босқичларини белгилаб олишимиз керак. Олдимиздаги шу масала билан боғлиқ талай ҳужжатларга ўзгартириш киритиш вазифаси турибди. Бу масалалар юзасидан қўмитамиз олдида ҳам кўпгина юмушлар бор.

2002 йил май ойида Страссбург шаҳрида Европа Иттифоқи парламенти (Европарламент) билан Олий Мажлис ўртасида тузилган Парламентлараро ҳамкорлик қўмитасининг учинчи раунд музокаралари бўлиб ўтади.

Олий Мажлис билан Европарламент ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнининг узвий бир қисмидир. Бўлажак музокараларимизда муҳокама қилиниши лозим бўлган масалаларнинг кўлами жуда кенг. Лекин аввалги музокаралар каби бу галги суҳбатларимизнинг ҳам марказида тинчлик ва хавфсизлик масалалари туриши тайин.

Эътибор бераётган бўлсангиз, уйғониш фаслида Ўзбекистон жуда катта умидларга пешвоз чиқмоқда. Шу шукуҳли кунлар Ватанимиз тарихида олтин саҳифалар бўлиб қолса, ажаб эмас.

Суҳбатни «Халқ сўзи» мухбири Муфтилло ЮСУПОВ ёзиб олди.

ЭЛ ИШОНЧИ — ОЛИЙ БАХТ!

Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси ташкил топганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, қисқа вақт мобайнида талайгина ибратли ишларга бош қўшди. Мустақил Ўзбекистонга хос янги қонунларни яратишда, уларнинг ижросини назорат ва таҳлил этишда фаоллик кўрсатди. Энг муҳими, эл-юрт эътиборини қозонди. Хўш, бугунги кунда у навбатдаги анжуманга қандай хисоботлар билан келмоқда? Икки сессия оралиғида қандай вазифаларни бажаришга улгурди? Комиссия раиси Шарифа САЛИМОВА-га илк саволимиз ана шу ҳақда бўлди.

— Комиссиямиз, одатдагидек, бу сафар ҳам Олий Мажлис Кенгаши томонидан тасдиқланган қатъий режа асосида иш олиб борди. Сессия кун тартибига қўйилган, қўмиталар томонидан тайёрланган янги қонунлар лойиҳаларига ўз таклиф-мулоҳазаларини берди.

Янги қонунларни яратиш, уларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш шундай қизиқарли ва мураккаб бир жараёнки, бу даврда Олий Мажлиснинг қўмиталари ва комиссиялари ўртасидаги амалий алоқалар ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Биз сессиядан сессиягача бўлган давр ичида Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси ҳамда Ёшлар ишлари қўмитаси билан биргаликда «Иод танқислиги касаллигининг олдини олиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси устида ишлашни давом эттирдик. Чунки бу хасталик асосан туғиш ёшидаги аёллар ва болалар орасида кўплаб учраётганлиги ушбу қонун лойиҳаси устида узоқ ва жиддий ишлашни тақозо этади. Айни чоғда, яна бошқа амалдаги айрим қонуний ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш юзасидан таклиф-мулоҳазаларимизни жамлаяпмиз. Маълумки, ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан бораётган мамлакатимиз Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги ва «Аёлларни камситишнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш тўғрисида»ги халқаро конвенцияларга қўшилган. Хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситиш ҳолларига батамом барҳам беришга астойдил бел боғлаган. Бу — бежиз эмас. Аёллари ва фарзандлари ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом-баркамол халқ бахтиёр ҳаёт кечиради. Уларни асраб-авайлаган, мулом ардоқлаган миллатнинг истиқболи порлоқ бўлади. Демак, хотин-қизларга ва ёшларга меҳрибонлик келажак учун ғамхўрлик ҳисобланади. Комиссиямиз айни пайтда устида иш олиб бораётган қонун лойиҳалари ҳам мана шу мақсадга қаратилган.

Шу ўринда битта мисол келтирай: биздаги ҳозир мавжуд қонунларда никоҳ ёши 17 ёш деб белгиланган. Лекин кўп йиллик кузатишлар ва таҳлиллар бу чегара бугунги кунда бирмунча таҳрирталаб эканлигини кўрсатмоқда. Чунки Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияда бу ёш балоғат ёши ҳисобланмайди. Ўзимизда ҳам шундай. Қизларимиз ҳали ҳар томонлама вояга етмаган, хусусан, оилани мустақил бошқариш учун етарли кўникма ҳосил қилиб улгурмаган бўлади. Оқибатда никоҳдан ўтиб, фарзанд кўргач, асосий оғирлик янги хонадонга ўрганмаган келинчакнинг гарданига тушади. Гоҳо унинг соғлиғига путур етади, феъл-атвори ўзгаради. Охир-оқибат ёш эр-хотин, қайнона ва келин ўртасида турли келишмовчиликлар ниш уради. Баъзан арзимаган сабаблар баҳона, гулдек оила бузилиб кетади. Сўнгра зурриёт, уй-жой, мерос талашиш авжига чиқади. Бу жараёнда кўпинча аёл зоти жабр кўради. Бугунги кунда ёшлар орасидаги ёки оила ажрими билан боғлиқ муаммоларнинг бир учи ҳам айнан шу масалага бориб тақалмоқда. Комиссиямиз томонидан Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциянинг Наманган вилоятидаги ижроси ўрганилиши жараёнида ёш қизлар билан бўлган самимий мулоқотлар шуни кўрсатдики, Оила кодексининг никоҳ тўғрисидаги моддасига ўзгартишлар киритиш айни дамда уларнинг ҳам кўнглидаги истак бўлиб турибди. Аниқроғи, қизларнинг ўзлари турмуш қуриш ёшини 18-19 ёш қилиб белгилаш таклифи билан чиқдилар. Комиссиямиз келгусида айни масала бўйича иш олиб боришни мўлжаллаяпти.

— Мамлакатнинг гуллаб-яшнашида оила, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга зарур имтиёзлар бериш муҳим аҳамият касб этади. Комиссиянинг ушбу масалаларга доир қонунлар ижросини назорат ва таҳлил қилиш фаолияти икки сессия оралиғида қандай кечди?

— Марҳамат. Бундан бир ойча муқаддам депутатлардан иборат ишчи гуруҳимиз ёш болали ва ногирон фарзанди бор аёлларни имтиёзлар билан таъминлашга йўналтирилган қонунларнинг Самарқанд вилоятидаги ижросини ўрганди. Вилоятда ушбу қонунлар ижроси бўйича қатор ютуқлар қўлга киритилган. Чунончи, барча қулайликларга эга вилоят шошилинч тез тиббий ёрдам маркази очилган. Кўплаб қишлоқ врачлик шохобчалари ишга туширилган. 17500 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Янги иш ўринларини барпо этиш мақсадида тегишли давлат жамғармаси ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратилган. Бироқ ютуқлар билан бирга қонунларни ижро этишда камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Биз бу ҳақда комиссиямиз йиғилишида батафсил тўхталдик. Тегишли қарор қабул қилиб, мутасадди ташкилотларга ўз тавсияларимизни бердик. Шунингдек, Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциянинг Наманган вилоятидаги ижроси ҳам ишчи гуруҳимиз томонидан батафсил ўрганилди. Яқинда Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси билан биргаликда қўшма йиғилиш ўтказиб, ушбу масалани ҳам депутатларимиз иштирокида муҳокама қилмоқчимиз.

Комиссиямиз аъзолари мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган референдумни ўтказиш жараёнида ҳам фаол қатнашдилар. Бу тадбирдан олдин ва кейин меҳнаткашлар билан учрашувлар ўтказиб, турли давраларда ҳамда матбуотда унинг моҳияти ҳақида чиқишлар қилдилар. Сўнгги пайтларда эса, Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган илмий-амалий конференциялар, семинарлар уюштирмоқдалар. Бундан ташқари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда анжуманлар ўтказишни ҳам мўлжалламоқдалар.

— Бир галги суҳбатимизда фуқароларнинг комиссияга ишончи тобора ортиб бораётганини алоҳида мамнуният билан таъкидлагандингиз...

— Тўғриси, ҳозир ҳам шундай. Комиссиямизга тушаётган оғзаки ва ёзма мурожаатлар орасида ишга тикланишга, оилавий можароларга, мерос талашишга, никоҳ бекор қилингач, уй-жойсиз қолаётганликка оид шикоятлар кўп. Биз уларни тегишли ташкилотларга жўнатаяпмиз. Аксарият аризалар ижобий ечим топаяпти. Бу ҳақда расмий жавоблар билан бир қаторда миннатдорчилик хатлари ҳам келиб турибди. Бинобарин, депутатларимиз эл ишончини қозонаётир. Комиссиямиз халқ ичига кириб бораётир.

«Халқ сўзи» мухбири Абдунаби ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди.

Партия фракцияларида

Кеча Фидокорлар миллий демократик партиясининг Олий Мажлис депутатлари фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раҳбари А. Турсунов олиб борди.

Йиғилишда депутатлар дастлаб сессия кун тартибига киритилаётган масалаларни муҳокама қилиб, маъқулладилар. Кўриладиган масалалар юзасидан сўзга чиқувчилар белгилаб олинди. Бундан ташқари фракция жорий йил фаолиятининг асосий йўналишларини муҳокама қилдилар. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан бир қанча амалий тадбирлар белгиланди. Партияни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Йиғилиш сўнгида кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

* * *

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзолари мамлакат парламенти VIII сессияси муносабати билан ўз нуқтаи назарларини ишлаб чиқиш мақсадида партия Марказий Кенгашига йиғилдилар.

Фракция мажлисида Ўзбекистон Республикаси молия вазири М. Нурмуродов Давлат бюджетининг 2001 йилдаги ижроси тўғрисида ахборот бериб, йиғилганларнинг айни хусусдаги кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Йиғилишда сўзга чиққан депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VIII сессиясининг кун тартиби ва унда муҳокама қилинаётган ҳужжатлар лойиҳаларини қўллаб-қувватладилар. Шу билан бирга, уларнинг айримларига ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдирдилар.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг Олий Мажлис депутатлари фракцияси сессияолди йиғилишини ўтказди. Йиғилишни бошқариб борган фракция раиси Иброҳим Ғафуров сессия кун тартибига киритилган масалаларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини шарҳлаб берди.

Йиғилишда партия фракциясининг икки сессия оралиғидаги фаолияти хусусидаги ахборот ҳам тингланди. Депутатлар сессия муҳокамасига қўйилаётган масалаларни бир овоздан маъқулладилар, шунингдек, партия фракциясининг VII ва VIII сессиялар орасидаги фаолиятини ижобий баҳоладилар.

Фракция йиғилишида иштирок этган Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Каримов мазкур қўмита томонидан тайёрланган қонун ҳужжатлари лойиҳаларига доир саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қўмита ва комиссияларда

Кеча Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Қўмита аъзолари сессия кун тартибини бир овоздан маъқулладилар. Шунингдек, икки сессия оралиғида баъзи қонунлар ва қабул қилинган қарорларнинг ижроси тўғрисида мажлис қатнашчиларига маълумот берилди. Мажлисни мазкур қўмита раиси И.Қаландаров олиб борди.

* * *

Олий Мажлис Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг ҳам сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур қўмита раиси Аҳтам Турсунов бошқарди. Йиғилиш иштирокчилари иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар ҳақида фикрлашдилар ва уни маъқулладилар.

* * *

Матбуот ва ахборот қўмитасининг кеча бўлиб ўтган йиғилиши икки муҳим мавзуга — Олий Мажлиснинг навбатдаги анжумани кун тартибига киритилган масалалар ҳамда қўмита икки сессия оралиғида амалга оширган ишлар муҳокамасига бағишланди. Булар хусусида қўмита раиси Ўткир Ҳошимов батафсил маъруза қилди. Сўнгра машварат қатнашчиларининг саволларига жўяли жавоблар қайтарди.

Йиғилиш қарорига кўра, сессия кун тартибига қўйилган масалалар тўла маъқулланди. Ҳужжатлар муҳокамалари жараёнида қўмита аъзолари фаол иштирок этишлари, ўринли таклиф-мулоҳазалар билан чиқишлари жозлиги алоҳида уқтирилди. Шунингдек, қўмитанинг сессиядан сессиягача бўлган даврдаги фаолияти қониқарли, деб топилди.

* * *

Шу куни парламентнинг Ёшлар ишлари қўмитасининг ҳам мажлиси бўлиб ўтди. Уни ушбу қўмита раиси Азамат Зиё бошқарди. Депутатлар иккинчи чақириқ Олий Мажлиси саккизинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалаларни муҳокама қилдилар ва уни бир овоздан маъқуллладилар. Йиғилишда, шунингдек, қўмитанинг сессиялар оралиғида қилган ишлари хусусида ҳам фикрлашилди.

Ер юзида

воқеалар

рақамлар

тафсилотлар

Ниҳоят, Афғонистонда халқ ассамблеясининг фавқулодда мажлиси — Лойя Жирғани чақириш куни аниқ бўлди. Ушбу сиёсий тадбир қарийб чорак асрдан буён сиёсий беқарорлик ҳукм сурган бу заминда ҳақиқий қонун чиқарувчи органни шакллантириши, шу йўл билан мамлакатда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни бошлаб бериши керак. Бир сўз билан айтганда, қурултой афғон халқининг халқаро ҳамжамиятдан муносиб ўрин топиши, юртда тинч яратувчилик ишлари сари муҳим қадам бўлади.

АФҒОНИСТОН:

ЛОЙЯ ЖИРҒА ИЮНДА ЧАҚИРИЛАДИ

Лойя Жирғани чақириш бўйича қўмита раиси Исмоил Қосимийнинг маълум қилишича, умумафғон қурултойи 10-16 июнь кунлари Кобулда бўлади. Унда оқсоқоллар, катта нуфузга эга бўлган ҳарбий-сиёсий арбоблар иштироқ этади. Қурултойда барча вилоятлардан жами 1450 нафар вакил қатнашиши кўзда тутилган. Лойя Жирғада 160 нафар аёл учун ҳам ўрин ажратилган.

Афғонистонда Лойя Жирғани чақириш ҳақидаги қарор ўтган йил декабрда Германиянинг Бонн шаҳрида ўтказилган конференцияда қабул қилинганди. Унга биноан, ушбу қурултойда янги конституция ишлаб чиқилиши лозим. Шунингдек, Ҳомид Карзай раҳбарлик қилаётган муваққат маъмурият ўрнига янги ҳукумат ва унинг раҳбари сайланиши керак. Янги ҳукумат эса бир ярим йил давомида фаолият кўрсатади. Шундан кейин мамлакатда умумхалқ сайлови ўтказилади.

Лойя Жирғага тайёргарлик борасида қўмита аъзолари кўп иш қилди. 21 кишидан иборат ташкилий қўмита аъзолари фавқулодда йиғин иштирокчиларини аниқлаб олиш учун Афғонистоннинг барча туманларида бўлиб чиқди. Халқ вакилларини танлаб олишнинг тамойиллари ва мезони ишлаб чиқилди. Улар қисман қўмита аъзоларининг маслаҳати, қисман овоз бериш йўли билан танлаб олинади. Бирор террорчи ташкилотга аъзо бўлмаган, гиёҳванд моддалар контрабандасига аралашмаган, инсон ҳуқуқларини бузмаган, ҳарбий жиноят содир этмаган, мамлакат ҳудудидан тарихий ва маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб чиқиб кетмаган, ёши йигирмадан кам бўлмаган барча фуқаро қурултойга халқ вакили сифатида бориши мумкин.

Бу тадбир катта тарихий воқеа бўлиши шубҳасиз. Зеро, чорак йилдан кейин халқ вакиллари бир даврага тўпланиб, мамлакатнинг келажаги ҳақида маслаҳат ўтказади. Афғонистон давлатчиликни тиклаш, ватанни келгуси авлодга ёруғ юз билан қолдириш ҳақида мулоҳаза юритади. Энг муҳими, бу маслаҳатлашув дунёда тан олинган меъёрлар асосида тинч йўл билан ўтказилади.

Тўғри, Афғонистонда тинчлик ўрнатишда халқаро хамжамиятнинг хизмати катта бўлди. Ҳозир ҳам афғон халқига четдан мунтазам ёрдам келиб турибди. Бироқ, асосий иш, яъни мамлакатни тиклаш барибир афғон халқи зиммасида. Қийинчиликларни енгиб ўтиш учун ҳамжиҳатликда иш кўрмоқ лозим. Июнь ойида бўладиган умумхалқ йиғини афғон халқининг хоҳиш-иродасини ифодаловчи муҳим сиёсий тадбирдир. Бинобарин, унга тайёргарлик ҳам, умидлар ҳам шунга яраша бўлиши табиий.

Саидмурод РАҲИМОВ, ЎзА шарҳловчиси.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

• Покистон президенти Парвез Мушарраф Ҳиндистоннинг «The Hindi» газетасига берган интервьюсида мамлакатда террорчиликка барҳам бериш учун барча чора-тадбирлар кўрилганини айтган ва расмий Деҳлини музокаралар бошлашга чақирган.

• Малайзиянинг пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтаётган Ислом конференцияси Ташкилоти саммитида резолюция қабул қилинган. Унда «Исроил ҳаракатлари Яқин Шарқни урушга тортмоқда» деб таъкидланган ва БМТ «Фаластин халқини Исроил террорчилигидан ҳимоя қилиш учун барча чораларни кўриш»и лозим дейилган.

• Сербия Адлия вазирлиги Гаага трибунали томонидан Косоводаги ҳарбий жиноятларда айбланаётган яна 4 кишини ҳибсга олиш ҳақидаги ҳужжатга имзо чеккан. Улар Слободан Милошевич президент бўлган даврда юқори лавозимларда ишлашган.

• Тайбейда кучли зилзила юз берган. Унинг оқибатида 4 киши ҳалок бўлган, 270 дан зиёд киши жароҳатланган. Тайбей маъмурий марказида кўплаб бинолар вайронага айланган. Сейсмологларнинг хабарига кўра, зилзила кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,8 баллга тенг бўлган.

Янги ҳужум

Исроил қўшинлари Иордан дарёси ғарбий қирғоғидаги хавфсизлик хизмати бошлиғининг қароргоҳини босиб олишга уринишган. У пайтда бинода 400 дан зиёд киши бўлган. Исроил томони улар ичида 50 нафар жангари яширинганини таъкидлашган. Фаластин томони эса бу таъкидни асоссиз, дея баҳолаган.

Яна бир асир

Покистон ва АҚШ махсус хизмати вакиллари Файсалободда ўтказилаётган текширув пайтида биринчи рақамли террорчи бин Лодиннинг яқин шерикларидан бири Абу Зубайдани асирга олишган. Америка томонининг айтишича, у «Ал-Қоида» экстремистик ташкилоти аъзолари ва улар яширинган жой ҳақида кўплаб маълумотга эга.

Қўшинлар олиб чиқилмайди

Америка ҳарбийлари Афғонистонда номаълум муддатга қолади. Бу ҳақда АҚШ президенти вакили хабар тарқатган. Унинг айтишича, Америка Афғонистонга тинчликпарвар кучлар юборишни режалаштирмаган, лекин айни пайтда ушбу мамлакатдаги жанговар қўшинлар олиб чиқилмайди. Улар афғон армияси аскарларига «Ал-Қоида» экстремистик ташкилотига қарашли жангариларга қарши амалиётлар олиб боришни ўргатадилар.

Курол ер остига яширилган

АҚШ ҳукуматига Шимолий Корея ядровий курол ва материалларга эга эканлиги ҳақида маълумот келган. АҚШ президенти маъмурияти вакилининг айтишича, улар ядровий материалларни ерости бункерларда яширган бўлишлари мумкин.

Гуантанамода уч россиялик

Россия Бош прокуратураси Афғонистонда толиблар томонида ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган уч фуқаросига нисбатан жиноий иш кўзғаган. Бош прокурор ўринбосари Сергей Фридинскийнинг айтишича, улар Американинг Гуантанамо (Куба) даги ҳарбий денгиз базасида сақланмоқда.

Югославия ҳамкорликка тайёр

Югославия ҳукумати собиқ Югославия бўйича Халқаро трибунал билан тўлиқ ҳамкорликка тайёр. Мамлакат ташқи ишлар вазири Горан Свиланович ҳукуматнинг фавқулодда йиғилишидан сўнг ана шундай хабар тарқатган.

Боул ёндиргичларга қарши

Англиялик судья Грэхэм Боул ёндиргичларнинг қурол шаклида ясалишини ман қилувчи қонун қабул қилишни таклиф этган. Унинг таъкидлашича, мамлакатда улардан ҳақиқий қуролга тақлид қилиб жиноятларни амалга ошириш кўпайиб бормоқда.

Курашни кучайтириш лозим

Шифокорларнинг фикрига кўра, шифохоналарга ёрдам сўраб мурожаат этувчиларнинг 10 фоизигина ўз соғлиғига жиддий эътибор беради, холос. Шунинг учун одамлар орасида соғлом ҳаёт, жисмоний тарбия ва спортни кенгроқ тарғиб этиш, тамаки чекиш ҳамда алкоголизмга қарши курашни кучайтириш лозим.

Соатига 320 километр

Янги «Lamborghini Murcielago» автомобили Италия трассаларида оммавий ишлаб чиқариладиган автомобиллар учун 3 та жаҳон рекордини ўрнатган. У ҳозирча дунёда 100 километр масофани 18 дақиқа-ю 45 сонияда, соатига 320 километр тезликда юра оладиган ягона автомобилдир.

ЎзА ва «Интернет» хабарлари асосида Салим ДОНИЁРОВ тайёрлади.

Депутатлар билан учрашув

Тошкент Молия институтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси кун тартибига киритилаётган қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Мазкур учрашув меҳмонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида фаолият кўрсатаётган Фидокорлар миллий демократик партияси аъзолари, қонунлар яратиш ва уларни ҳаётга жорий этиш муаммолари билан бевосита шуғулланаётган турли қўмита раислари, раис муовинлари А.Турсунов, И.Қаландаров, Ш.Умарова, Қ.Жумабеков, М.Миролимов, Р.Каримовлар эди. Улар ўзларининг қонун чиқарувчи Олий органдаги фаолияти мазмуни, истиқболдаги вазифалари тўғрисида қизиқарли маълумотларни баён қилиш билан бирга талабаларни қизиқтирган саволларга ҳам жавоб бердилар. Нотиқлар институт хусусиятларини эътиборга олиб, парламентнинг назорат-таҳлил фаолиятининг молиявий — иқтисодий жиҳатларига ҳам батафсил тавсиф бериб ўтдилар.

Олий Мажлиснинг навбатдаги саккизинчи сессияси кун тартибига киритилган, бевосита ёш кадрларнинг келажакдаги фаолиятида дастуриламал бўлиб хизмат қиладиган «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари лойиҳалари юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар талабалар ва профессор-ўқитувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси билан боғлиқ масала ҳам қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Бундай учрашувлар илм даргоҳида тайёрланаётган кадрларнинг ҳуқуқий тафаккури ривожланишига, уларнинг маънавий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб етишишларига хизмат қилади.

Фарҳод БАБАШЕВ, Тошкент Молия институти кредит-иқтисод факультети деканининг маънавий-маърифий ишлар бўйича муовини.

Элликқалъа — гўзаллик маскани

Элликқалъада Наврўз байрами туман ташкил топган кун тантанасига уланиб кетди.

Бундан ўттиз йил муқаддам Элликқалъа мавзесида олис ўтмишимизнинг тилсиз гувоҳлари бўлган икки юз элликдан ортиқ қадимий қалъа ҳамда қасрларнинг қолдиқлари мўъжаз ётар эди. Шу санадан бошлаб мавзенинг минг йиллик «танаффуси»га барҳам берилди. Тўрткўл ва Беруний тумани меҳнаткашлари асрий чўлни ўзлаштиришга киришдилар. «Янгиер» ва «Элликқалъа» хўжаликлари, мавзени режали равишда ўзлаштиришга йўналтирилган «Жанубийқўрақалпоқсувқурилиш» тресті тузилди. Ўзбекистон харитасида Элликқалъа номи билан янги туман пайдо бўлди. Ўтган чорак асрда кўҳна замин қайта яшариб, Қуйи Амударёнинг энг гўзал, гуллаб-яшнаган гўшаларидан бирига айланди.

Бугун Элликқалъа деганда хоразмшоҳларнинг қадимий қароргоҳи Тупроққалъа, жаҳон сайёҳлари томонидан эътироф этилаётган Аёзқалъа қасри, нене табаррук зотларнинг ҳокини ўз бағрига олган ҳазрати Норинжон Валий қадамжоси, оромижон Оқчакўл соҳилигина эмас, замонавий саноат ва юксак маънавият масканига айланган, ўз шоҳбекати орқали Европа билан Осиёни боғлаётган Бўстон шаҳри, жаҳон бозоридан ўз ўрнини излаётган «Элтекс», «Юнивер», «Медикал коттон интернейшнл» қўшма корхоналари, Жаҳон банкидан сармоялар олаётган фермер хўжаликлари, шеърият баҳсларини қўшиқ танловларига улаётган муҳташам санъат саройи кўз олдимизга келади. Булар Элликқалъа чин маънода эзгулик масканига айланиб бораётганлигидан далолат беради.

Туманда бўлиб ўтган тантаналарда Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси раисининг ўринбосари Тимур Камолов сўзга чиқиб миришкор чўлқуварлар шаънига таҳсинлар айтди, қўриқни ўзлаштиришда фаоллик кўрсатган С. Авазматов, Ю. Отажонов, Д. Соипов каби фидоийларга, бу ердаги адабий-маърифий тадбирларда жонкуярлик қилаётган Омон Матжон, Ошиқ Эркин, Рўзимат Жуманиёзов, Раҳматжон Курбоновдек қаламкашу хонандаларга Қорақалпоғистон Республикасининг фахрий унвонларини топширди. Тадбирда туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Н. Худойберганов сўзга чиқди.

Байрамда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси А. Тожиев қатнашди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт

Талабалар беллашувга шайланмоқда

Шу йилнинг май ойида Бухоро шаҳрида ўтказиладиган универсиадада қатнашишни қайси талаба орзу қилмайди, дейсиз? Аммо унинг талаблари қаттиқ. Энг эпчил, чаққон, маҳоратли ёшларгина ана шу спорт мусобақаларига йўлланмаларни қўлга киритишлари мумкин.

Навоийдаги олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўзига хос кичик олимпиадада иштирок этиш ниятидагилар кўп экан. Улар беш кун мобайнида спортнинг 13 тури бўйича ўзаро куч синашдилар. Голиблар сараланди. Ҳар бир тур бўйича жамоалар шакллнмоқда. Хуллас, тайёргарлик бошланиб кетди. Олийгоҳлар ёнида маҳоратли спортчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилиб берилди.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2002 йил 15-18 апрелда «Ўзэкспомарказ» РКСМнинг 5-павильонида

«ХХРнинг фан ва техника кунлари» кўргазмаси ўтказилади.

Кўргазма стендларида Хитой олимлари илмий-техникавий тадқиқотлар ва биология, геология, информатика, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, ядро энергетикаси, қуёш энергиясидан фойдаланиш, океанология, экология, авиация ва космонавтика соҳалари бўйича замонавий технологияларни, шунингдек, ҳисоблаш ва аудио-видео техникаларини, хўжалик электр асбобларини, турли транспорт воситаларини, қишлоқ хўжалик ва қурилиш техникаларини намойиш этадилар.

Ташкилотчилар: ХХР Фан ва техника вазирлиги, Фан ва техника алмашуви Хитой маркази, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамкорлигида.

Кўргазмага хуш келибсиз!

O'ZEKSPOMARKAZ

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 107-уй, «Ўзэкспомарказ» РКСМ, 5-павильон.
ИШ ВАҚТЛАРИ: 2002 йил 15 апрелда соат 11.00дан 18.00гача. 2002 йил 16-18 апрелда соат 10.00дан 18.00гача.

5519/532

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

ҲИКМАТ

Одам бўламан десанг, камтарликни одат қил.

Дўстлик чегара билмайди

Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги Элчибек қишлоғида Наврўз тантаналари катта байрамга айланиб кетди. Бу туман Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасида жойлашган. Номи рамзий маъно касб этадиган бу қишлоқдан ўз меҳнати билан икки республиканинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган илғор пахтакорлар, таниқли олимлар, маданият ва санъат арбоблари етишиб чиққан.

Анъанавий қирғиз ўтовлари, икки халқ санъати намуналари, қўшниларимизнинг кўргазмалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Ёшларнинг никоҳ тўйлари ўтказилди, юз ёшни қаршилаган фахрийлар эъзозланди.

Қишлоқ узра куй-қўшиқлар янгради, миллий ўйинлар, куч, эпчиллик ва топқирлик мусобақалари ўтказилди.

С.ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

Соғлиғинг — саодатинг

Ново-Пассит оромбахш малҳам

Инсон ҳаёти ҳамиша бир хил — силлиқ, тинч, осойишта, фақат ҳузур-ҳаловат оғушида кечавермайди. Баъзан ишингиз юришмайди —диққат бўласиз. Болаларнинг юриш-туриши, ўқиши, қадам олиши кўнглимизда хавотир уйғотади, ўзингизни нотинч сезасиз. Турмуш ўртоғингиз ишхонасидан хафагазак, чеҳраси тунд бўлиб қайтди — яна юрагингиз сиқилади. Хуллас, асабингизни таранглаштирадиган, сизни хафаҳол қиладиган, қон босимингизни оширадиган ва охир-оқибатда, аъзои бадан-нингизда турли касалликларни келтириб чиқарадиган воқеа-ҳодисалар, ҳолатлар юз бериб туради.

Бундай ҳолатда сиз ўзингизни тинчлантирувчи дори-дармонларни излайсиз, шифокорнинг тавсияси билан турли хил дорилар, гиёҳлардан тайёрланган дамламаларни ичасиз. Бири ёрдам беради, бошқаси...

Гапнинг қисқаси, сизни қувонтиришимиз мумкин. Толиққан руҳиятингизга малҳам бўладиган бундай доривор ҳозир пайдо бўлди.

Бу — Чехиянинг «Галена» фирмасида тайёрланган Ново-Пассит дорисидир. У доривор гиёҳларнинг беназир малҳамини ва синтетик препаратнинг самарадорлигини ўзида мужассам этган. Ново-Пассит таркибига валериан, қуллоқпоя, лимон ўт, дўлана, қизил пойча ўт, маржон бўта меваси каби ва бошқа хил дориворларнинг экстракти киритилган. Ново-Пасситда доривор гиёҳлардан олинган малҳамга кўркув, хавотир, ҳадикни бартараф этувчи, тинчлантирувчи, хотирани тикловчи гвайфенезин воситаси қўшилган. Ново-Пасситни бир марта ичилгандаёқ фойдасини сезасиз, бироқ, яхшиси, уни бир муолажа муддатида ичиш мақсадга мувофиқдир. Аралашманинг алоҳида ўзини, ё шарбат, ёки маъдан-ли сув билан ичиш мумкин. У бир кунда уч маҳал ичилади.

Ново-Пасситни тез-тез ичиб туриш учун уни суюқлик, дамлама ҳолатида олиб юриш ноқулайлик туғдиради. Бундан хотиржам бўлинг. Ушбу дори таблетка шаклида ҳам яқиндагина пайдо бўлди. Бу анча қулай: 10 дона таблеткали Ново-Пасситни олиб юриш ҳеч кимга қийинчилик туғдирмайди.

Унутманг, Ново-Пассит сизга дўст ва мададкор.

Нодира МАҲМУДОВА.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТАДИ
товар сертификацияланган §-8049

КАБЕЛЬ
(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТПП, ТСВ, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП.)
ЛАМПАЛАР
(ЛД, ДРЛ, ДНАТ).
ЁРИТГИЧЛАР
(ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ.)

БУЮРТМАНГИЗ БЎЙИЧА ЯҚИН ВА УЗОҚ ХОРИЖДАН ШАРТНОМА БЎЙИЧА КЕЛТИРИБ БЕРИШ ИМКОНИЯТИ БОР

Ўзбекистон, 700060, Тошкент ш., «Нукус» к., 29-«Д», «Ўзбекистон» маиший хизмат уйи, 5-қават.

Тел./факс: (+99871) 1360154, 1331284, 120-09-09.

4898

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 376, 34017 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — Ф. САНАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[1] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 02.30
1 2 3 4 5 6

«Турон» БАНК

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БИРЛАШТИРУВ БАНКИ

қуйидаги бошқармаларга мутахассисларни танлов асосида ишга таклиф этади:

- кредитлаш ва иқтисодий таҳлил бошқармаси;
- банк актив ва пассивларини бошқариш бошқармаси;
- ички аудит бошқармаси;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси;
- ахборотлаштириш ва дастурий таъминот марказига;
- қимматбаҳо қоғозлар бўлими.

Номзодлар

Тошкент шаҳрида доимий яшовчи, олий маълумотли ва мутахассислиги бўйича камида 3 йил меҳнат стажига эга бўлишлари керак.

Маълумот учун телефонлар: 144-34-61, 144-32-52.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 44-уй, «Чорсу савдо маркази» бекати.

5514/553

Ўсимликлар билан гаплаша олади

БУ ҚИЗИҚАРЛИ

Италиялик ихтирочи Валерио Санфо ғаройиб асбоб ясади. Унинг бу асбоби ўсимликлар билан бемалол гаплаша олади. Бунинг учун Санфо ўз қурилмасининг электродларини ўсимликларга улайди. Шунда қурилма ўсимлик танасидан «шифрланган овоз»ларни қабул қилади ва тезда таржима қилади. Маълум бўлишича, ўсимликлар ҳам «иссиқ», «совуқ», «ташнаман» каби тушунчаларни ўз «тиллари»да баён қилар экан. Буни Милан дорилфунунининг таниқли ботаниги Клавдио Лонго ҳам тасдиқлайди. Унинг фикрича, ўсимликлар ўзига хос чирсиллаган товуш чиқаради. Бу хилдаги чирсиллашлар эса юқоридаги каби маъноларни кашф этади.

ТАШКИЛОТ ЧЎЯН РАДИАТОРЛАРНИ вагонлаб етказиб беради.

Тошкентдаги омбордан Россияда ишлаб чиқарилган қуйидаги САНТЕХНИКА ЖИҲОЗЛАРИНИ СОТАДИ:

чўян ванналар 150 см. ва 170 см.;
умивальниклар тўплами;
унитазлар тўплами;
ошхона учун мойкалар;
ванна ва ошхона учун смесителлар;
линолеум (15 хил).

Тел.: 137-72-24, 137-72-23.

5377

САВОЛ БИЗДАН...

Буюк Британия пойтахти Лондон марказида қироллар оиласи қароргоҳи нима деб аталади?

136-35-60

Кечаги сондаги саволнинг жавоби:

Бельгия, Нидерландия ва Люксембург Бенилюкс мамлакатлари деб аталади.

Бу ҳақда Тошкент шаҳридан Қобилбек Каримбеков, Ҳайрулло Ҳусанов, Миродил Баратовлар тўғри жавоб беришди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг раиси Отабой Дусчановга падари бузруквори
МАШАРИФ отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон АСМда Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти жамоаси институтнинг собиқ сектор мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент
Розимат ПЎЛАТОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзэлектромонтаж» ОАЖ жамоаси бош муҳандис Аваз Тошпўлатовга падари бузруквори
Мирзатилла ТОШПЎЛАТОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзавтойўл» Давлат акционерлик концерни, Буюк Ипак йўлининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтадиган қисмини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш бўйича бош бошқарма жамоаси «Кўприкқурилиш» тресті бошқарувчиси Ғафур Муҳамедовга отаси
КАРИМЖОН отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ядро физикаси институти жамоаси етакчи мутахассис Шерпўлат Тоштемировга падари бузруквори
Тоштемир НОРМЕТОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси университет илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректори профессор Рустам Ҳамдамовга отаси
Ҳамдам ҚЎШОҚОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.